







«ТУРКИСТОН БОЛАЛАРИ ИЛМСИЗ ҚОЛМАСИН»

деб ёзган эди Махмудхўжа Бехбудий. Бугун унинг армонлари ушалмоқда

Буюк алломалар кун киррали юлдузи эслатилади. Уларнинг серкамров салоҳиятлари учун бир еки икки соҳа торлик қилиб қолади. Эсланг: Беруний, Ибн Сино, Хайём...

ди, — деб ёзди у «Хуррият» газетасининг 1917 йил 19 ноябр сониди, — Муборак ва хайрли бўлсин! Камина ҳам мажлисда бўлушдан ифтихор этаман! Яшасун Туркистон Мухторияти!»

эмас. У ўзбек ва тожик тилларида бешта дарслик ёзганки, шунинг ўзи ҳам унинг салоҳияти ва мақсад учун курашидан далолат беради. 1914 йилда «Оина» журналида ёшларга мурожаат қилиб ёзди: «Мухтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндулки, макотиб (мактаб) — тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур.

тиб, ўз надоматларини куйидагича изҳор этади: «Шаҳар уртасиндаги жомега бордим. Бир мудarris бир неча талабага тафсир ва ҳadis дars бериб турубдуки, бир оз кулоқ осдим. Фикри ва тадриси яхши буллуб, бизнинг Бухоро ва Туркистондан аълодур... Арабларда жибос, сочу сақол, қадим ва ҳадид, театр ва мусиқи масалаларининг ҳаром ва ҳалоллиги қачонлар ҳал буллуб кетгандур. Бизга энди бошлайдур. Биз Русияга тобеъ буллуб туруб, Туркистоннинг ҳеч бир шаҳриндаги бир ҳукумат мактабига ун нафар мусулмон талабаниз йўқ, мусулмон тили, мусулмон дини уқитмоқ нари турсун...»

Истиқлол яловбардорлари

Хар миллат энг аввал, макотиби бидтоийсини замонча ислох этиб кўпайтурмагунча тараққий йулига кируб маданиятдан фойдаланмас. Маданияти ҳозирадан маҳрум қилиб эса, дунёда роҳат ва саодат юзини қуролмас... Махмудхўжа Бехбудий бир неча бор ҳаж сафарига буллубан. У Озарбойжон, Туркия ва қатор араб мамлакатларида саёҳат қилган ва сиз унинг саёҳатномаларига кўз югуртирсангиз, ҳазрат қаерга борса уша ердаги мактаб, мадраса ва макит билан қизиққан. Бундан мақсад уша юртлардаги илгор гоё ва усулларни Туркистонга олиб келиш ва жорий этиш буллубан, албатта. У Миср таассуротлари ҳақида қалам тебрав...

ПОЛВОН ХИЖОЛАТ БЎЛДИ

Алижон қишлоқдан келган отасини ўзи ўйнайдиган спектаклга таклиф қилди. Девқомат Полдон ота жўралари билан биринчи қатордан жой олди. Томоша айни қизиган пайда чиллақдай артист йигит ўзидан икки баробар катта Алижонни даст кўтариб, ерга урди. Шу ёшга келиб елкаси ерга тегмаган Полдон ота жаҳл билан ўрнидан туриб, чалқанча ёт...

Митти ҳажвия

ган ўғлига қўлини пахса қилди: —Шу гавданг билан ёшгина боладан йиқилгани уялмайсанми? Ким айтади, сени Полдонни ўғли деб? Жўраларим олдида мени шарманда қилдинг-ку?! Йигиштир артистлигини, шу бугуноқ қишлоққа олиб кетаман! Режиссёр ҳелиб чолни юплатди; — Отахон, тинчланинг, бу ўйин, бир кун ўғлинг йиқилади, эртасига рақиб йиқилади. — Уйинларинг ҳақиқатга тўғри келмаскан! — Спектаклда бўлаверадми, ота... — Шунинг учун томошада одам кам экан-да. Қани, Бадалбой, Урнбой, Улжабой, туришлар, кетдик! Томошабинлар чапак чалиб юборишди. Полдон ўғли Алижон хижолат бўлиб гарданни кашлади. А. ҚОРАТОЙ.



Саман йурга ҳамон олға қараб одимлаб бормоқда. Халил Султон ўз ўй-фикрлари билан банд. Утган кунларни ҳаёлида таҳлил қиларди, сабоқ оломқ ниятида бўлиб ҳар бир воқеа-ҳодисани галвирдан утказарди.

Хал сарой аёнлари орасидаги бебурдлик, бетайинлик унга жуда қимматга тушди. Айниқса кейинги пайтларда уларга ишониб бўлмади қолди. Ахир озмунча ҳаёлар бердимки уларга. Бобоси йиллар мобайнида туплаган тенги йўқ ҳазина алар садоқатни қозонмоқ йулида сарфланди. Оқибатсиз одам-барибир оқибатсиз бўлиб чиқавараркан. Қизик, шу амир Худойдодга нима етмаётган экан. Еки амир Шохмалик в бўлмаса амир шайх Нуриддинлар, бошқа амирлар, лашкарбошилар нимага муҳтож эдилар? Бир Халил Султонни ташлаб кетди, иккинчиси унинг душманлари томонига ўтди, баъзилари эса унга очикдан-очик ганимлик қилди, қилин яланғочлаб қилдилар. Улар барчаси шу улкан салтанатни бунёд этишда бобоси Соҳибқироннинг внида бўлганлар, чексиз садоқат билан хизмат қилганлар. Бундан куз юмиб бўлмайди. Бу бор гап.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ШАХЗОДА ВА КАНИЗАК

Қиссадан парча

Дўст деганим агъбр чиқар, мен энди нетай, Мехр ўрнига захар тутар, мен энди нетай... Халил Султон ҳамон уларда, саволлар кўп-ў жаовоблар оз эди. Сиесатим етарли бўлмади, чамамда. Каттиқроқ туриш керакмиди, аша билмам. Кўпроқ қон тухили лозиммиди, жазолашни кам қулладимми... Кўнгил очиклиги, ишонувчанлик, назаримда, кўпроқ панд берган қуринур. Салтанат тепасида турганларга кўнгилчанлик яхшилик келтирмас эркан. Галлат эркан бу дунё деганлар. Киши фазилатлари бўлмиш хислатлар анга панд бераркан. Ажаб! Ҳозирча тушинганларим, ақлим етгани шу турур. Бу ёғини яна ҳудойимнинг узига топширдим. Энди ҳузёрроқ бўлмайман, каттиққўллик ҳам қурсатмаёйман.

ПОЛВОН ХИЖОЛАТ БЎЛДИ

Алижон қишлоқдан келган отасини ўзи ўйнайдиган спектаклга таклиф қилди. Девқомат Полдон ота жўралари билан биринчи қатордан жой олди. Томоша айни қизиган пайда чиллақдай артист йигит ўзидан икки баробар катта Алижонни даст кўтариб, ерга урди. Шу ёшга келиб елкаси ерга тегмаган Полдон ота жаҳл билан ўрнидан туриб, чалқанча ёт...

қиймайду... Йигирма санилик мөҳнати уч кунда тамом. Туй ва маърақа қилинсин. Аммо ҳозиргидек исроф этмасдан қилинсин. Ва мумкин қадаринча кичик қилинсин!»

Бехбудий юзлаб ана шундай мақолалар муаллифи, албатта. Бир унинг улкан дарвсидан бир пақиргина олдиқ, холос. Ҳазрат кутарган муаммолар орасида тил, маданият, дин, газета, журнал ва ҳаётнинг турли соҳаларига бағишланган муаммолар бор.

Бу йил Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг 125 йиллиги нишонланган. Шу муносабат билан унинг меросини чоп этиш, урганиш ҳар томонлама фойдали бўлур эди.

Маълумки Бехбудий қишлоқда, яъни Тайлоқ туманидаги Бахшитапа даҳасида дунёга келган. Ҳатто шу қишлоқ еки туманда ҳам ҳазрат номига мактаб, кутубхона қўйилмаган. Самарқанд шаҳрида унинг уй-музейини ташкил этиш масаласи ҳамон орқага суриб келинмапти. Ҳазратнинг номи абадийлаштириш, унга боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Вилоят босмаҳонасини ҳазрат номи билан аташ ташаббусини унинг собиқ раҳбарлари қўллаб-қувватлашмади.

Нусрат РАҲМАТ.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЮЗДАН ОШДИНГИЗ, ОНА?

(Давоми. Боши 1-бетда)

эмас, камбағал қилган экан энди билсак. Уруш йилларини айтмайсанми, болам. Бовонг урушда, зигиртдай зигиртдай болалар билан қолганман Машина туп қишлоқда. Бовонгни урнига мол боқдим, чорвадор эдик, салдан сурани Ангренга темир йул қурилишига ҳайдашди, бордик. Ҳамма оч, бир коса сузма билан бир коса қайноқ сув беришди, шуларга ҳам қаноат қилдик. Мен қулпича қишлоққа келганимда пешхун тайёрлаб борардим, уша жонимизга оро кирарди. — Пешхунингиз нима, момо, — дейман. — Вой, пешхунни билмайсанми, улим, Пешхун — қовуриб, ёғ билан молнинг қоринига еки ичагига тикилган гушта, болам, ҳозирги ёшлар буни қайдан билсин. — Фарзандларингиз, на-бираларингиз тургисида гапириб беринг, момо, — дейман.

ларга ургатиши керак. Қишлоғимиз бузилиб, бу ерга яқинда кучиб келдим, йилдан сал ошди. Қунали келинларни қуриб, оналарига танбех бераман... Келин бўлмиш хилча белларини тортиб турган шим қийиб кириб келса, қонсиз юзларига обдон бўвқ چاپласа, улама киприклари сийрак қошларига тегиб турса, супурги, ошхона, кирхона, молхона нималигини билмас... Бу оилада ким, нима усади? Қиз бола — киши бандаши, кетади қолади. Уни оилада, ёшлиғидек бу ишларга ургатиш керак. Ана шунда эри суяди. Эринг суяди — эринг суяди, деб бекорга айтмайдилар, болам. Ким, қаерда бўлмасин, номозини ҳам, ниезини ҳам қанда қилмаслиги керак. Менинг келин ва қизларим шунақа. Шунинг учун ҳам улар борган ерларидеда қўнм толган. Болаларимга ҳам айтман: онангни елканга тутсанг, сизнингнинг бошингда туғ, деб. Ахир Президентимиз Исламжон ҳам бекорга Авлар йули, деб қўймадиларку бу йули. Ҳа Ҳизр тағи теккан юрт — Ўзбекистон ҳали жуда обод бўлиб кетади. Буни сизлар қурсазилар.

бу — шаҳарнинг онаси-да, болам. Илов, юртимиз ти-нч бўлсин, ҳамфикрлик йўқолмасин, элни ихтилоф бузади-да... — Мана бир юз турт ёшга кирибсиз, — дейман Ултув момага. — Бунча табаррук ёшга етишингизни ўзи қийин... — Ҳаммаси қаноатта боғлиқ, улим, — Ултув мома ниманидир эсламоқчи бўлади, ҳа деганда едига келавермайди. — Бу юртинг иссиғини ҳам қурдик, соғуғини ҳам қурдик, чилласига чидадик, қархотинга қаноат қилдик. Кези келганда меврга дуст, ифратта сингил, садоқатга ёр бўлдик. Тўғри қурдик, тўғри турдик, киши дилини оғришмадик. Менимча узоқ яраштинг сирини шу бўлса керак. Ҳали ҳам гайратимга чидамайман, болалар баъзи ишларни секинлик билан қилаётганини курсам уринимдан даст туриб ховлига чиқаман, қулларидан ишни олгим келади. Шу аснода бир момо билан хайрлашиб турмоқчи бўлдик. Ултув мома бизга руҳсат бермади. Кичик келини тандирга нон ёлган экан. — Нон тандирда Оллоҳнинг жамолини қуриб пашади болам, бир тишлам насиба еб кетинглр... Ниҳоят мома фотиҳага қул чўзди. — Яратган ҳеч бир хонадонни унинг шамчирогидан айирмасин... Ултув момонинг хонадонидан чиқиди уйга толдим: бир юз турт ёшга бирон марта шифхонага бормаса, бирон дўхторга кўринмаса, уқол, эмлаш нималигини билмаса, фикрининг тиниклигини, тилининг ширинлигини, онгининг тозаллигини... Ҳа табиат авл учун нимани зарур деб билса ҳаммаси Ултув мома Фармонова бор эди. Мен бу муқаррама зоти яратавтанда Тангри таоло унинг қалбини гулдан, сабрини тошдан, меҳрини қувдан бино қилганига яна бир қарра ишондим.

Мўмин ҚАЮМ, журналист.

ЮРГИЛ ДАЛАЛАРГА КЕТАЙЛИК ДЎСТИМ, ДИҚҚИНАФАС УЙДА ЁТМОҚ ПАЙТИМАС... Шавкат АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

Болаларим кўп, набира ва чеварларим қирқдан ошди, — дейди момо ва оғир ух тортади. — Каттам Эшбойни танирдингиз, узоқ вақт мактаб директори бўлди. Эшбой улим бу уйнинг турса суғи, юза ёғи эди. Афсус умри қисқа экан, яратган олиб кетди. Илов душманнинг уйидан ҳам қовушдай улук чикмасин. Худо раҳмат қилсин уни.

— Ангрндаги бонқадан пича пул бермоқчиди, болалар кўп боришди, беришмабди, ахйир мени олиб боришди. Яратганга шукур, ҳаммаси яхши бўлиб кетди. Бу ерлар ҳам тоғга яқин ерлар экан, баҳово, молга яхши, ҳокимимиз Машина тупнинг урнида ёзда молларингизни боқаверинглр, депди. Барака топсин, болалар молларни уша ёққа ҳайдаб кетишган. Аллоҳга беадад шукурлар бўлсин, қизил давлатнинг қора кунлари тугади. Эмин-эркинлик билан озоликка етиб келдик. Шунинг ўзи бе-назир бахтуқ, улим, Илов Президентимизнинг мартабалари улуг бўлиб, умрлари эиёда бўлсин, бошларига яратганинг раҳматлари ёғилсин! Бу қишлоғимиз ҳам обод бўлапти. Газ, электр, тоза сув бор. Ахир қишлоқ,